

ИҚТИСОДИЁТНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ МОҲИЯТИ

Бабахонов Жафар Мухиддинович

**Қарши давлат техника университети “Молия ва банк иши”
кафедраси доценти**

Аннотация. Мазкур мақолада солиқлар орқали тартибга солиш моҳияти, солиқ механизмнинг ҳозирги шароитдаги таъсири, ҳозирги вазият таҳлили, солиқлар орқали тартибга солишнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этиш омиллар таҳлили келтирилган. Шунингдек, иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ механизми, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ сиёсати

Кириш

Ҳар қандай тараққиётни солиқларсиз, аниқроғи солиқлар орқали тартибга солиш механизмлари таъсирсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида республикамиз ўзининг давлат илмий-техник ва инновацион бюджет- солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратган. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир” [1].

Иқтисодиётни интеграциялашуви ва глобаллашуви тобора кучайиб бораётган шароитда солиқлар орқали тартибга солиш механизми унинг имкониятлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиши ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш механизми мамлакат ижтимоий иқтисодиётини ривожлантирувчи шартлардан бири бўлиб қолиши лозим. Ҳозирда солиқлар орқали тартибга солиш механизмни

такомиллаштириш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни дунё андозалари даражасига кўтарилиш мавқеини мустақкамлашга хизмат қилмоғи лозим.

Мамлакатдаги инфратузилмаларни рақобатбардошлилигини сифатли инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан таъминлашда, таркибий қайта қуришларни амалга оширишда солиқлар орқали тартибга солиш механизми ўта муҳим восита сифатида хизмат қилади. Маълумки, солиқлар орқали тартибга солиш кенг маънода ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омили сифатида долзарбдир.

Адабиётлар таҳлили

Махсус иқтисодий адабиётларда, кундалик ҳаётимизда, турли ахборот воситаларида турмуш тарзига кириб келаётган ва асосий терминларга айланаётган “солиқ механизми”, “солиқ механизмини ташкил этиш”, “солиқ менежменти”, “солиқлар орқали бошқариш”, “солиқ механизми элементлари”, “инновацион солиқ механизми” ва шу каби бошқа терминларнинг мазмуни ва уларнинг қабул қилинган солиқ концепцияларини қабул қилишга қаратилган бошқарув жараёнининг ажралмас қисмидир” [3].

С. Барулин солиқ орқали тартибга солишни амалиётда солиқ вазифалари ва солиқ концепцияларини қабул қилиш доирасида турли фойдали иш коэффициентларидан фойдаланишда солиқлар орқали тартибга солиш имкониятларидан фойдаланишда шахсларнинг субъектив фаолияти сифатида эътироф этади [4].

З.Ахроров солиқ орқали тартибга солиш – бюджетга солиқ тушумларини таъминлаш ва шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектларнинг фойданинг бир қисмини қайта тақсимлаш орқали саноат корхоналарининг инновацион ва инвестицион фаолиятларини рағбатлантириш эканлигини таъкидлайди [5].

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-манتيкий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилиш, техник-технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлилигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, импортбоп товарлар ишлаб чиқариш, аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш, хўжалик субъектларининг

самарадорлигини ошириш, инвестиция оқимларини турли манбалардан кириб келишини, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш каби вазифаларни ҳал этилиши солиқлар орқали тартибга солиш механизмини оқилона бошқарилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномасида “Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш зарур. Бюджет ҳисобидан маблағ ажратиладиган ҳар қандай дастур ёки лойиҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат, натижага йўналтирилган индикаторлари бўлиши керак” [6] деб таъкидлаб ўтди. Бу эса, бюджет сиёсати олдида турган вазифаларнинг нечоғли долзарб эканлигини акс эттиради.

Ушбу фикрдан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини аниқ белгилаш ва унга қаратилган вазифалар доирасида илмий- инновацион фаолиятни узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ташкилий шароитларда рақобатли бўлишлигини таъминлаш бир вақтнинг ўзида солиқлар орқали тартибга солиш механизмини такомиллаштириб борилиши унинг ҳуқуқий асосларини ҳам ривожлантирилиб борилиши билан эътиборли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш механизмини ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришда ва турли хил рақобатбардош маҳсулот (товар, хизмат)лар билан бозорни тўйинтиришда катта аҳамият касб этмоғи лозим.

Солиқ механизми моҳиятини талқин этишда асосан 6 та йўналишдаги назарий қарашлар мавжуд:

солиқ механизми таркиби ва моҳияти, шунингдек унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ривожлантиришдаги вазифалари [7];

солиқ механизмлари орқали иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш [8];

солиқлар орқали тартибга солиш объектлари ва критерияларини аниқлаш [9];

бюджетга солиқ ва мажбурий тўловлар;

солиқ имтиёзларини тақдим этиш тартиби, шунингдек, қўлланиши мумкин бўлган санкциялар, маъмурий жарималар [10];



солиқлар миқдорини оптималлаштириш [11].

Қайд этилган 6 та талқин бир-бирига боғлиқдир, аммо улар солиқлар орқали тартибга солиш механизми моҳиятини, хусусиятларини ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини тўлиқ узвий боғлиқликни таъминлаш орқали очиб бера олмайди.

Масалан, механизм бу техник соҳалардан иқтисодиёт соҳасига кириб келган иқтисодий воқелик бўлсада, механизм сўзи мазмун-моҳиятига хусусиятидан келиб чиқиб элементлардан, усуллардан, принциплардан иқтисодиётда рационал фойдаланишни англатади. У субъектив тушунча сифатида иқтисодий принциплар моҳияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда давлатнинг хоҳиши билан амал қилади. Шу боис давлат солиқ элементларига нисбатан қўшимчалар киритилиши ёки самара бермайдиган солиқ элементини солиқ муносабатларини шакллантирувчи омиллар таркибидан чиқариши мумкин. Шу боис ҳам юқорида механизм солиқ сиёсатини мақсадга эришилишини таъминловчи солиқ муносабатларининг қоидалари ва воситалари йиғиндиси деб таъкидлаб ўтилган эди. Бу бежис эмас, албатта.

Солиқлар орқали тартибга солиш механизмини ташкил этиш шундай бир солиқ муносабатларини яратилишини англатадики, қайсиким иқтисодий жиҳатдан (аммо маъмурий эмас) шундай бир муҳитни юзага келтирадики, унда давлат, корхона ва ишчи манфаатларини бир чизикда кесиши таъминланади. Айнан уларни бир нуқтага туташтириш эвазига ишлаб чиқариш самарадорлиги, инновацион тараққиёт, ижтимоий соҳаларда эса синергетик самара таъминланади.

Биз солиқ механизми ҳақида гапирганимизда солиқ элементларини, усулларини ва амал қилиш принципларини бевосита кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қиламиз. Аммо бундай ҳаракатларимизни тўлақонли тўғри, унга асосланиб солиқларни тартибга келтириш механизмлари самара бермоқда деб фикр билдириш солиқ мураккабликларини янада мураккаблашиб кетишига ҳам сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Бизнингча, иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш механизмнинг асосий мақсадлари қаторидан иқтисодий цикл тебранишларини юмшатиш, барқарор ЯИМ ўсишини таъминлаш, инфляциянинг мўътадил даражаси шароитида бандликнинг юқори



даражасини таъминлаш ҳам жой олмоғи лозим. Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилиши солиқлар орқали тартибга солиш механизми таъсирида макрокўрсаткичларни тўлиқ динамик силжишлари учун имконият яратиб берди.

Карантин шароитида босиб ўтилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлининг мониторинги, ҳозирги пандемия коронавирус шароитида (COVID-19) жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб рақобат муҳитини янада кучайтириб бориш учун давлатимиз янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув орқали солиқлар орқали тартибга солиш механизмларини ҳаётчанлик даражасини сақлаб қолиш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Хулоса ва таклифлар

ҳозирги шароитда солиқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, иқтисодиётни модернизациялаш талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган солиқ тизимини юзага келтириш ва амалда жорий этиш. Бунинг учун эса, ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимини ўрганиш тажрибалари асосида амалга ошириш лозим.

Иккинчидан, иқтисодиётда соғлом рақобатни муҳитини таъминлаш мақсадида солиқ юки адолатли тақсимланиши лозим.

Учинчидан, солиқ тизимида бажарилган ишлар асосан иқтисодий-ижтимоий ва географик жойлашув шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим.

Тўртинчидан, солиқ муносабатларининг ривожланиш жараёни иқтисодий муносабатларнинг қарама-қаршиликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Шу шартдагина, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни такомиллаштириш чора-тадбирлари самарали ҳисобланади ва белгиланган вазифалар бажарилади

Список литературы

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь. – 2-б.
2. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: ИНФРА-М., 2000. – с. 384-
3. 393
4. Дуканич Л.В. Налоги и налогообложение. – Р/н/Д: Феникс, 2010. – с. 414
5. Барулин С.В. Налоговый менеджмент. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2007. – с. 194
6. Ahrorov Z. Issues of Regulation of the Economy through Taxes. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2020 йил. – 12 б.
7. Мирзиёев, Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230)
8. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod- moliya, 2011. – 450 б.
9. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) дисс.авт. – Т.: 2018. – 70-б.
10. Мейлиев О.Р. Ҳудудий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.авт. – Т.: 2018. – 56-б.

Research Science and
Innovation House

